ШАХСДА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ МОТИВАЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.И.Халилова
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” кафедраси профессори, психол.ф.док (DSc)
https://doi.org/10.5281/zenodo.7911955

Инсон фаолиятида муваффақиятга эришишда мотивациянинг роли муҳим ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсон фаолиятидаги ютуқ ва муваффақиятларида рефлексив жараёнлар ўзига хос аҳамиятга эга. Натижада фаолиятдан кутилаётган фойдани англаб етилади ҳамда фаоллик ва ҳаракатлар тезлиги кучайиб боради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсонларда мотивациянинг юқори даражада бўлиши уларда салбий хислатлар, стресс, ҳаяжонни кучайишигага олиб келади ва бу натижанинг самарадор бўлмаслигига олиб келади.

Маълумки, психологияда муваффақиятга эришиш мотивацияси, шунингдек, интилишлар даражаси билан боғлиқ тадқиқотлар Маголид-Эминов, Г.В.Корнилов И.М.Талей ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Муваффақиятга эришиш мотивацияси – бу муваффақиятга эришиш фаолиятида юксак натижаларга эришиш истагидир.

Немис психологи Х.Хекхаузен томонидан мотивацияга эришишнинг ўзига хос таърифини илгари суради [7]. Унинг фикрига кўра, муваффақиятга эришиш мотивацияси – бу “турли фаолият соҳаларида инсоннинг юқори имкониятларига эга бўлиши ёки муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин”.

Шунингдек, у мотивацияга эришишнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Бирор нарсага эришиш ғояси иккита имкониятни ўз ичига олади; муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка бардош бериш. Юқори мотивацияли инсонларда муваффақиятга эришишга кўпроқ эътибор берилади. Таъкидлаш жоизки, муваффақиятга эришиш такомиллаштиришга нисбатан имкониятлар таклиф қилинганда намоён бўлади. Шу боис вазифалар ўрта мураккабликда бўлиши керак. Бундан ташқари, мотивацияга эришиш ҳар доим аниқ якуний натижага, мақсадга йўналтирилади. Бунда мотивацияга эришиш учун мақсадларни доимий қайта кўриб чиқиш керак. Юқори мотивацияга эришувчи субъектлар аввалги тўхтаб қолган ишларига қайтиб, уларни охирига етказадилар[7].

Т.О.Гордиванинг таъкидлашича, мотивацияга эришиш учун олиб борилган фаолиятни тушунади. Мотивацияга эришиш учун олиб борилган фаолият – бу шундай фаолиятки, мақсадга эришиш йўлида ўзи билан ўзи, бошқа одамлар муносабатларининг дунёси ўзгартирилади. Бундай фаолият асосий инсоний талабларда эришиш, ривожланиш ва тараққиётда ниманидир тез ва яхши бажариш, тараққиётга ҳаракат қилиш истаги билан рағбатлантирилади [2].

Психологияда мотивацияга эришиш М.Ш.Магомед-Эминов томонидан ҳам тадқиқ қилинган [6]. У муваффақиятга эришиш мотивациясини уни амалга ошириш жараёнини бошқарувчи интеграл аффектив ва когнитив жараёнларни функционал тизим сифатида белгилайди. Мотивацияга эришиш фаолиятни тартибга солиш жараёнида муайян функцияларни бажарувчи махсус таркибий компонентларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, шахснинг барқарор тавсифи сифатида муваффақиятга эришишни биринчи бўлиб Г.Мюррей томонидан ажратиб кўрсатилган ва бирор нарсани тез ва яхши бажаришга интилиш ҳамда ҳар қандай ишда маълум даражага эришишини тушунилади. Д.Мак-Клелланд ва Х.Хекхаузен каби олимлар ушбу мотивни татбиқ қилиш жараёнида иккита мустақил мотивацион йўналишни ажратиб кўрсатганлар: муваффақиятга эришиш истаги ва омадсизликдан қочиш муваффақиятсизликка йўл қўймаслик истаги. Бу ҳолатда муваффақиятга эришиш мотиви, инсоннинг ўз имкониятлари даражасини оширишга интилиши билан белгиланади [2].

Х.Хекхаузеннинг фикрига кўра, муваффақиятга эришиш мотиви инсоннинг муваффақият мезонлари қўлланилганда энг юқори даражадаги имкониятларни сақлаб қолиш ва кенгайтиришга ҳаракат қилиш сифатида таъкидланади. Бундай фаолият натижалари муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Муваффақиятга эришиш мотивацияси маълум бир якуний натижага йўналтирилади, яъни муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка йўл қўймаслик. Муваффақиятга эришиш учун доимий равишда мақсадларни қайта кўриб чиқиш керак [7].

Г.Мюррейнинг фикрига кўра, муваффақиятга эришиш зарурати қуйидаги тушунчалар билан тавсифланади: қийин ишларни бажариш, бошқариш, тартибга солиш, жисмоний объектлар шахслар ва ғоялар муносабатини ташкиллаштириш; имкон қадар тез ва мустақил равишда бажариш; тўсиқларни бартараф этиш ва юқори натижага эришиш; ривожланиш,

рақобатлашиш ва бошқалардан устун туриш, истеъдодларни намойиш қилиш ва ўзини ўзи ҳурмат қилишни кучайтириш [7].

Шунга монанд равишда М.Ш.Магомед-Эминов муваффақиятга эришиш мотивациясини интеграциялашганини аффектив ва когнитив жараёнларнинг функционал тизим сифатида белгилайди. Фаолиятни мотивацион бошқариш жараёнида муайян функцияларини бажарувчи махсус таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: долзарблик мотивацияси (фаолият истаги ва ташаббус), селекция мотивацияси (мақсадни ва унга мос фаолиятни танлаш жараёни), амалга ошириш мотивацияси (ҳаракатни тартибга солиш ва истагини амалга оширишни назорат қилиш), постереализация мотивацияси (ҳаракатни тўхтатиш ёки бир ҳаракатни бошқасига ўзгартиришга йўналтирилган жараёнлар).

Муваффақият мотивациясини амалга ошириш механизмларидан бири вазиятнинг ҳиссий мотивацион аҳамиятини баҳолаш бўлиб вазиятни ва муваффақиятга эришиш умумий компетентлигини баҳолашдан келиб чиқади. Мотивацион анъана жадаллиги муваффақиятга эришиш мотиви ва муваффақиятсизликка йўл қўймаслик каби икки параметрнинг катталигига қараб ўзгаради [1].

Муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликка йўл қўймаслик ўртасидаги муносабатларга доир нисбатан ҳар хил қарашлар мавжуд. Ҳусусан, Д.Аткинсон муваффақиятга эришиш мотиви доирасидаги мутаносиб қутблар эканини, агар инсон муваффақиятга йўналтирилган бўлса, унда муваффақиятсизликдан қўрқмайди ва аксинча бўлишини таъкидлайди. Бошқа тадқиқотларда эса муваффақиятга эришиш истаги аниқ ифодаланса, у қандайдир жиддий оқибатларга олиб келиши билан боғлиқ бўлган тақдирда муваффақиятсизлик кучли қўрқувга олиб келмайди деб ҳисобланади. Муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликка йўл қўймаслик ўртасида ижобий муносабатлар бўлиши мумкинлигига далиллар мавжуд. Шунинг учун муваффақиятга интилиш ёки муваффақиятсизликка йўл қўймаслик истагини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бундан ташқари улар ҳар иккала интилишнинг ҳам юқори, ҳам паст даражасида бўлиши мумкин [4].

Муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси ҳар қандай вазиятда айниқса, унинг натижалари бошқа одамлар томонидан қабул қилинганда ва баҳоланганда муваффақиятсизликдан қочиш учун ҳаракат қилишдир [3].

Маълумки, инсон фаолияти мотивациясини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва бу борадаги изланишлар натижалари шуни

кўрсатадики, инсон фаолиятининг муваффақияти уч омил билан тўқнашгандан ушбу вазифаларни ҳал қилиш жозибадорлиги ва унга қизиқиши ортади. Муваффақиятсизликка учрайдиган кишилар бундай ишни жуда кам қизиқиши билан бажарадилар, баъзан қизиқиш йўқолиши мумкин. Дастлаб муваффақиятга эришиш учун ҳаракат қилган шахслар муваффақиятсизликка учрагандан сўнг кўпинча яхши натижаларга эришишади. Лекин дастлаб муваффақиятсизликка учраши билан шахслар, аксинча, муваффақиятга эришгандан сўнг юқори натижага эришадилар. Мақсадга эришиш мотиви юқори бўлган шахс фаолияти, муваффақиятсизликдан қочувчи мотивацияга эга шахслардан кўра унумлироқ бўлади.

Бундан ташқари, муваффақиятга эришувчи ва муваффақиятсизликка йўл қўймайдиган шахсларнинг шахсий ютуқлари ва муваффақиятсизликлари ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Муваффақиятга эришиш учун ҳаракат қилаётган шахслар, ўзларининг ютуқларини шахсий омиллар, яъни ҳаракат қатъият, қобилиятга боғлиқ деб биладилар, муваффақиятсизлик ишлар, одатда, тасодифий вазиятларда юз беради деб ҳисоблайдилар. Омадсизликдан қочувчи инсонлар ўзларининг ютуқларини ташқи омиллар, хусусан, омад, берилган вазифанинг қийинлиги ёки осонлиги билан боғлайдилар.Агар фаолият муваффақиятсиз бўлса, улар ўзларининг имкониятларини таҳлил қиладилар. Бундан ташқари, муваффақиятсизликка йўл қўймаслик учун жуда кучли мотивга эга бўлган субъектлар, одатда, ўз салоҳиятини тўғри баҳолай олмайдилар, муваффақиятсизликдан саросимага тушадилар ва ўзларига нисбатан ишонч камаяди. Муваффақиятга йўналтирилган субъектлар одатда бошқача тарзда ҳаракат қилишади, яъни улар ўзларининг имкониятларини, қобилиятларини муносиб баҳолайдилар, муваффақиятсизликдан саросимага тушмайдилар[1].

Умуман олганда, муваффақиятга эришиш учун мотивация инсоннинг муайян ҳаракатларидан келиб чиқиб, муваффақиятга олиб келиши мумкин бўлган куч деб тушунилади. Бу муайян йўналганлик, жадаллик ва қатъият фаолиятда намоён бўлади. Муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси деганда турли хатолар ва омадсизликлардан қочиш учун ишлаб чиқилган механизм бўлиб, муваффақиятсизликка учраган шахс яна хато қилмасликка ҳаракат қилади, баъзан тўлиқ ёки қисман

[1] Кураев Г.А. Пожарская Э.Н. Психология человека: курс лекций. Ростав n/D2002

қобилиятсизликларини ўзгартириш учун ҳаракат қиладилар. Муваффақиятга нисбатан ҳаракат қилиш инсонда муваффақиятсизликка йўл қўймаслик мотивацияси устунлиги билан белгиланади. Шундай қилиб, муваффақиятга эришиш мотивацияси ижобий бўлиб, инсоннинг шахсий ривожланишига ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Вильюнас В.К.Психология развития мотивация (текс) В.К.Вилюнас-СПб: Речь, 2006

2.Гордива Т.О.Психология мотивации достижения (текст) Г.О.Гордиева, -М: Смысл Издательский центр “Академия”, 2006-336 с

3.Давлетшин Психологиядан қисқача изоҳли луғати Т.: 1997

4.Ильин И Мотивации и мотиви (текст) И.Ильин-СПб:Питер,2000-512с

5.Кураев Г.А. Пожарская Э.Н. Психология человека: курс лекций. Ростав n/D2002

6.Магомед-Эминов М.Ш. Мотивация достижения: структура и механизмы: Авторефдисс канд психол. наук.М..1987

7.Хекхаузен Х. Психология мотивации достижения СПб; Питер. М: Смысл 2003,-860с